XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN SHAHAR KENGASHINING

Q A R O R I

2022 - yil 10 - oktabr VI-44-90-6-91-K/22 Namangan shahar hokimligi

Наманган шаҳрида ош бериш маросимининг вақтини белгилаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6, 25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги 2736-III/КҚ-592-III-сонли Қўшма қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган Тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги низомнинг 3-бандига асосан, Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Наманган шаҳрида ош бериш маросими соат 06:00 дан соат 23:00 га қадар бўлган вақт оралиғида ўтказилиши белгилансин.

2. Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашида Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссия тузилсин, унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари

бўйича комиссияси, тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда ўз ваколати доирасида ўрнатилган тартибда Наманган шаҳрида ош бериш маросимлари ўтказилиши устидан доимий равишда депутатлик ва жамоатчилик назорати амалга оширилсин.

4. Наманган шаҳри бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишида жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигига жиддий хавф солиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш чоралари доимий равишда кўриб борилсин.

5. Ушбу қарор “Наманган садоси” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида Наманган шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари И.Атабаев зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ғ.Джамалов**

Xalq deputatlari Namangan shahar
Kengashining
2022 yil 10 oktabrdagi
VI-44-90-6-91-K/22-son qaroriga
1-ilova

Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашида Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссия

ТАРКИБИ

Комиссия раиси

1	Азимов Абдувохид Боқиджанович	Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси

Комиссия раиси ўринбосари

2	Гаппарова Сохиба Жалолитдиновна	Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси

Комиссия аъзолари

3	Мухитдинов Рахматулло Убайдуллаевич	Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси
4	Зайниддин Хожи Акбар Шамсутдин ўғли	Сув хўжалиги масалалари ва экология бўйича доимий комиссияси аъзоси
5	Турғунова Гавхархон Махмудовна	Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси котиби
6	Дадабаев Қобилжон Қосимбаевич	1-Орзу сайлов округи депутати